

Д.Жалолова, ТМИ доценти
З.Шомахмудова, ТМИ магистранти

МОЛИЯВИЙ ИНФРАТУЗИЛМА ТИЗИМИДА СТРАТЕГИК МЕНЕЖМЕНТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мақолада ҳозирда жаҳон миқёсида молиявий менежментнинг асосий функционал элементи ҳисобланган молиявий режалаштириш тизимини такомиллаштириш масалаларининг назарий-услубий асослари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: молиявий менежмент, молиявий диагностика, стратегия деталлари, ишбилармонлик муҳити.

В статье рассматриваются теоретико-методологические основы совершенствования системы финансового планирования, которая в настоящее время является основным функциональным элементом глобального финансового менеджмента.

Ключевые слова: финансовый менеджмент, финансовая диагностика, детали стратегии, бизнес-среда.

The article focuses on the theoretical-methodological basics of improving the financial planning system, which is now the main functional element of global financial management.

Key words: financial management, financial diagnostics, strategy details, business environment.

Ҳозирда жаҳон миқёсида молиявий менежментнинг асосий функционал элементи ҳисобланган молиявий режалаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари кенг тадқиқ этилмоқда. Хусусан, глобал молиявий инқироз шароитида ташқи бозорлардаги ўзгарувчан муҳитга тез мосланувчан молиявий режалаштириш тизими ва унинг стратегик режалар билан уйғунлаштирилган мукамал моделини шакллантириш юзасидан мақсадли изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, молиявий менежментнинг асосий функционал элементларидан бири компаниялар молиявий-хўжалик фаолиятини комплекс баҳолашнинг кенг кўрсаткичлар арсеналини мужассамлаштирувчи молиявий диагностиканинг ташкилий архитектурасини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш» 3 га йўналтирилган бир қатор устувор вазифалар белгилаб олинган[1].

Ўзбекистон иқтисодиётидаги етакчи тармоқлардан бири бўлган кимёсаноат тармоғидаги акциядорлик жамиятларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати экстенсив тавсифга эга бўлмоқда. Улардаги мавжуд асосий фондларнинг эскирганлиги, nobарқарор молиявий ҳолат, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори таннархи натижасидаги кузатилаётган паст даражадаги рентабеллик молиявий менежмент тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон ва 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сон Фармонлари, 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4720-сон Фармони ва «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Компания стратегиясини аниқлашга кўплаб омиллар таъсир қилади. Бу омилларнинг ўзаро таъсири ҳар бир тармоқда ўзига хос хусусиятларга ега бўлиб, вақт давомида ўзгариб туради. Стратегияни белгиловчи омиллар доим бир-биридан фарқ қилади[2]. Корхона ҳамиша ҳам ўзи хоҳлаган стратегияни танлай олмайди. Унинг ҳаракатлари қонун, давлат сиёсати, ижтимоий тартибланиш ва жамият мавқеи билан чегараланади.

Стратегияни ижтимоий талабларга мослаштириш қуйидагиларни назарда тутади:

1. жамият манфаатлари ва одоб меёрлари доирасида ишчанлик кўрсатиш;
2. ижтимоий афзалликлар ва жамият еhtiёжларига ижобий қараб ўз фаолиятини тартибга солиш;
3. тартиблантирувчи меёрлар билан зиддиятга бормаслик учун зарур ҳаракатларни ўз вақтида амалга ошириш;
4. акциядорлар манфаати ва жамият манфаатлари ўртасида мувозанатни сақлаш;
5. жамиятда компаниянинг фуқаролик позициясини таъминлаш.

Тармоқнинг жозибadorлиги ва рақобат даражаси стратегияни белгилашга катта таъсир кўрсатади. Компания стратегиясини шуғулла-

нилмаган соҳага асослаб қуриш мутлақо ярамайди. Стратегия компаниянинг яхши билган ишига асосан қурилиши лозим[3].

Стратегияда ҳисобга олиниши ва аслида уни белгиловчи бирламчи омилларнинг оддий модели. Бу омилларнинг ўзаро таъсири одатда комплекс характерга ега бўлиб, тармоқ ва компания учун алоҳида фарқланади.

Одатда, ички ва ташқи вазият ўртасидаги фарқ аниқ бўлмаса, рақобатли устунликка еришилмаса, компаниянинг фаолияти яхшиланмаган бўлса, стратегиянинг ўзи муваффақият келтирмайди.

Стратегия тузишга ёндошувлар қуйидагича бўлади:

1. Бош стратегик ёндошув - бунда стратегияни бошлиқнинг ўзи ишлаб чиқади. Бундай ҳолда бошқарувчи ахволни баҳолашга, муқобил стратегияларга ва стратегия деталларига кучли таъсир қилувчи асосий стратегик ва асосий тадбиркор сифатида чиқади.

2. Ваколатларни бериш ёндошуви - бунда стратегияни тўзиш ходимларга ёки комиссияга топширилади. Бундай ҳолда масъул бошқарувчи стратегияни ишлаб чиқишни бошқаларга, асосан, стратегик режалаштириш бўйича персоналга ёки ишонч билдирилган ходимлардан тўзилган махсус комиссияга топширади.

3. Қўшма (коллорабацион) ёндошув-бу аввалги икки ёндошув ўртасидаги оралиқ вариант. Бундай усулнинг енг кучли томони шундаки, стратегияни ишлаб чиқиш кимларга топширилган бўлса, уни ушаларнинг ўзлари бажаришлари керак бўлади.

4. Ташаббусли ёндошув. Бундай ёндошувда бошқарувчи келишилган стратегияни ишлаб чиқиш учун стратегия деталларини ишлаб чиқишдан ҳам, «ғоялар генераторлари» гуруҳини бошқаришдан ҳам манфаатдор емас. Билакс, бошқарувчи оқилона стратегияни ишлаб чиқиш, химоя қилиш ва ҳаётга тадбиқ етиш учуномпания стратегиясини аниқлашга кўплаб омиллар таъсир қилади[4]. Бу омилларнинг ўзаро таъсири ҳар бир тармоқда ўзига хос хусусиятларга ега бўлиб, вақт давомида ўзгариб туради. Стратегияни белгиловчи омиллар доим бир-биридан фарқ қилади. Корхона ҳамиша ҳам ўзи хоҳлаган стратегияни танлай олмайди. Унинг ҳаракатлари қонун , давлат сиёсати, ижтимоий тартибланиш ва жамият мавқеи билан чегараланади.

Стратегияни ижтимоий талабларга мослаштириш қуйидагиларни назарда тутати:

1. жамият манфаатлари ва одоб меёрлари доирасида ишчанлик кўрсатиш;

2. ижтимоий афзалликлар ва жамият еhtiёжларига ижобий қараб ўз фаолиятини тартибга солиш;

3. тартиблаштирувчи меёрлар билан зиддиятга бормаслик учун зарур ҳаракатларни ўз вақтида амалга ошириш;

4. акциядорлар манфаати ва жамият манфаатлари ўртасида мувозанатни сақлаш;

5. жамиятда компаниянинг фуқаролик позициясини таъминлаш.

Тармоқнинг жозибadorлиги ва рақобат даражаси стратегияни белгилашга катта таъсир кўрсатади. Компания стратегиясини шуғулланилмаган соҳага асослаб қуриш мутлақо ярамайди. Стратегия компаниянинг яхши билган ишига асосан қурилиши лозим[5].

Стратегияда ҳисобга олиниши ва аслида уни белгиловчи бирламчи омилларнинг оддий модели. Бу омилларнинг ўзаро таъсири одатда комплекс характерга ега бўлиб, тармоқ ва компания учун алоҳида фарқланади.

Одатда, ички ва ташқи вазият ўртасидаги фарқ аниқ бўлмаса, рақобатли устунликка еришилмаса, компаниянинг фаолияти яхшиланмаган бўлса, стратегиянинг ўзи муваффақият келтирмайди.

Стратегия тузишга ёндошувлар қуйидагича бўлади:

1. Бош стратегик ёндошув - бунда стратегияни бошлиқнинг ўзи ишлаб чиқади. Бундай ҳолда бошқарувчи ахволни баҳолашга, муқобил стратегияларга ва стратегия деталларига кучли таъсир қилувчи асосий стратегик ва асосий тадбиркор сифатида чиқади.

2. Ваколатларни бериш ёндошуви - бунда стратегияни тўзиш ходимларга ёки комиссияга топширилади. Бундай ҳолда масъул бошқарувчи стратегияни ишлаб чиқишни бошқаларга, асосан, стратегик режалаштириш бўйича персоналга ёки ишонч билдирилган ходимлардан тўзилган махсус комиссияга топширади[6].

3. Қўшма (коллаборацион) ёндошув - бу аввалги икки ёндошув ўртасидаги оралиқ вариант. Бундай усулнинг енг кучли томони шундаки, стратегияни ишлаб чиқиш кимларга топширилган бўлса, уни ушаларнинг ўзлари бажаришлари керак бўлади.

4. Ташаббусли ёндошув. Бундай ёндошувда бошқарувчи келишилган стратегияни ишлаб чиқиш учун стратегия деталларини ишлаб чиқишдан ҳам, «ғоялар генераторлари» гуруҳини бошқаришдан ҳам манфаатдор эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. www.lex.uz.
2. Кузмин Д.В. Глобализация и мировая валютная система. //Международная экономика, №11, 2011. с. 13-27.
3. Новая стратегия Всемирного банка для Узбекистана. // Банковские ведомости, № 28.16.07.2008.
4. Надирханов У.С. Прямые иностранные инвестиции в Узбекистане: опыт, проблемы, перспективы роста. - Т.: «Фан ва технология», 2011.184 с.
5. Надирханов У.С. Прямые иностранные инвестиции и их роль в экономическом развитии национальных государств. //Экономика и финансы, №10.2010. с. 57-59.
6. Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналарнинг инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2003, 11-б.